

ИЛК ТАЗКИРАНАВИС ШОИР

Муҳаммадиев Исломиддин

СамЧТ институт 3-курс талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15124766>**Аннотация**

Мақолада мўғуллар истилоси йилларида яшаган бухоролик шоир Нуриддин Авфийнинг илмий фаолияти ва ҳёти ҳамда унинг ноёб асарларини тавсифи баён қилинган.

Калит сўзлар: мўғул, тазкира, сulton, sulola, қози, Марв, саҳоба.

Annotation

The article describes the scientific work and life of the Bukhara poet Nuruddin Aufi, who lived during the Mongol invasion, and also describes his unique works.

Keywords: Mongol, tazkira, sultan, dynasty, judge, Merv, sahaba.

Аннотация.

В статье описывается научная деятельность и жизнь бухарского поэта Нуруддина Ауфи, жившего во времена монгольского нашествия, а также описываются его уникальные произведения.

Ключевые слова: Монгол, тазкира, сультан, династия, судья, Мерв, сахаба.

Аллома XII асрнинг охири ва XIII асрнинг бошларида яшаган илк тазкиранавис шоирлардан саналади. У 1171 йил Бухорода қозилар оиласида таваллуд топган. Манбаларда келтирилишича, у саҳоба Ашаптан Абдураҳмон ибн Авфийнинг наслига бориб етган. Алломанинг тўлиқ исми – Нуриддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Яҳё Авфий. Унинг отаси Марв шаҳрининг қозиси бўлиб, бобоси ҳам вилоят қозиси ҳамда кўзга кўринган муҳаддис олимлардан бири бўлган¹. Амакиси Шарафиуззамон Мажидиддин эса, ғарб Қораҳонийлар ҳукмдори Қилич Тамғачхоннинг хос табиби бўлган. Аллома дастлабки таълимни отаси, бобосидан ҳамда бу ердаги уламолардан сабоқ олган. Кейинчалик у илм олиш мақсадида Хуросон, Ҳиндистон ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларига сафар қилиб, у ердаги олимларидан таҳсил олган.

1201 йили у Самарқандга келган пайти амакиси орқали Қилич Тамғачхон хизматига кириб, унинг валиаҳди Қилич Арслонхон Нусратуддиннинг хос муншийси бўлган. Аллома саройдаги олиму фозиллардан ҳам сабоқ олган. Шунингдек, бу ерда у Нажимиддин Кубро, Мажидиддин Бағдодийлар билан учрашган. Нуриддин Авфий 1203 йили Хоразмга сафар қилиб у ердаги олимларнинг илмий мажлисларида қатнашган. Аллома 1205 йилдан бошлаб, Мовароуннаҳр ва Хуросон кўп саёҳат қилган, дастлаб Нисо, Марв, Тус, Ҳирот ва Сейистонда бўлган. 1206 йил Нишопурга сафар қилиб, анча муддат у ерда яшаган ҳамда Хуросоннинг етук арабийнавис ва форснавис кўпгина шоирлар билан учрашиш баҳтига мұяссар бўлган. Нуриддин Авфийнинг бу саёҳатлари давомида келажакда ёзадиган тазкираси учун кўпгина маълумотлар тўплаган.

¹ Саъадиддин Авфий. “Лубобул албоб”. – Техрон: Сайд Нафиси, 1915. – Б-1-32

1210 йили у Исфизор ва Ҳирот шаҳарларини ҳам зиёрат қилиб, Сейистон шаҳридаги шоирлар мажлисида қатнашган. 1215 йили Нуриддин Авфий Сижистон орқали Бухорога қайтиб келган². Муғуллар истилосининг таҳликаси ҳақида турли-туман ваҳимали гаплар халқни саросимага соглан пайтида Нуриддин Авфий Ғазна шаҳридаги олимлар билан бирга мажлисда бўлган. У Чингизхонни Марказий Осиёга бостириб киргани хабарини эшишиб, Хурросон ва Мовароуннаҳдан келган қочоқларга қўшилиб, Ҳиндистон сафарига отланган. Мўғул истилоси ҳатто, Хурросон, Ҳинд, Гужарат орқали Лоҳур шаҳрида яшаётган тинч аҳолига ҳам кириб борган.

Нуриддин Авфий 1222 йили Уч вилоятига келганида у Фур Султон Шаҳобиддин Муҳаммад мамлукларидан бири Малик Носируддин Қобача (1205-1227) нинг саройига ишга кирган. Бироз вақт ўтгач, у форс адабиётидаги илк шоирлар таржима ҳолига бағишлиланган асар “Лубобул албоб” асарини ёзган. Бу асарини Малик Носируддин Қобачанинг вазири Айнул мулк Фахриддин Ҳусайнга тортиқ қилган³. Бу асар тазкира шаклида 1222-1223 йилларда ёзилган бўлиб, унда аллома Озарбайжон, Марказий Осиё, Ғазна, Ироқ, Хурросон ҳамда Ғарбий Ҳиндистонда X-XII асрларда яшаб ижод қилган икки юзи тўқсон тўққизта шоир ва адилларнинг биографияси ҳақида тўлиқ маълумот берган. “Лубобул албоб” асарининг форсий матнини 1903 йил Э.Браун ва Мирзо Муҳаммад Қазванийлар нашр қилган.

Орадан кўп ўтмай малик уни Лоҳурнинг Қанбаяти шаҳрига қозилик лавозимига тайинлаган. Шунингдек, Нуриддин Авфий арабийнавис олим қози Муҳсин Тануҳийнинг (940-994) “Ал-фараж баъд, аш-шиддат” (“Офатдан сўнгги овуниш”) номли асарини араб тилидан форс тилига таржима қилган. Асар ўз даврининг машҳур тарихий шахсларининг қаҳрамонликлари акс этган ҳикоялар тўпламидан иборат бўлган⁴. 1227 йили элхонийлардан Шамсиддин Элтўтмиш ва Малик Носируддин Қобача ўртасидаги жангдан сўнг, Султон Шамсиддин Элтўтмиш ғалаба қозонган. 1227 йили ҳам Нуриддин Авфий Дехлига кўчиб келиб, Султон Шамсиддин Элтўтмишнинг саройига таклиф қилинган ҳамда умрининг охирига қадар шу саройда яшаган.

Нуриддин Авфий Малик Носируддин Қобачанинг бўйруғи билан ёзишни бошлаган “Жавомиъул ҳикоят ва лавомиъ ар-ривоят” (Ҳикоятлар мажмуаси ва ривоятлар шуъласи) асарини 1228 йили Дехлида тугатиб, уни Султон Шамсиддин Элтўтмишнинг вазири Низомул Мулк Муҳаммад ибн Абу Саъд Жунайдийга ҳадя қилган. Асар 1227-1236 йиллар орасида ёзилган. “Жавомиъул ҳикоят ва лавомиъ ар-ривоят” асари тўрт қисмдан иборат бўлиб, ҳар бир қисми эса, 25 бобни ташкил қилган⁵. Унда Ҳиндистон, Эронда ҳукмронлик қилган сулолалар, Марказий Осиё ҳамда Мовароуннаҳрнинг ижтимоий -сиёсий, маданий ҳаётига оид икки минг бир юзи ўн учта тарихий латифалардан иборат. Марказий Осиёда яшаган қадим туркий ҳалқлари ва Бухоро садрлари ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган⁶. “Жавомиъул ҳикоят ва

² Ҳ. Ҳасанов. “Сайёҳ олимлар”. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981. – Б. 263.

³ Назир Аҳмад. “Нусҳаи хаттийи муҳимми аз тазкираи Лубобул албоби Авфий”. – Калькутта: Индо-Ираника, XV, 1962. – Б. 1-10.

⁴ М. Низомиддин. “Авфий”. I-жилд. – Б. 764.

⁵ N. Bland. “On the Earliest Persian Biography of Poets, by Muhammed Aūfi and on Some Other Works of the Class Called Tazkirat ul Shuarā”. – England: JRAS, 1848. – Б. 111-176.

⁶ M. Ullmann, Die Natur-und Geheimwissenschaften im Islam, Leiden 1972, s. 31-32.

лавомиъ ар-ривоят” асари бугунги кунга қадар чуқур тадқиқ қилиниб, нашр қилинмаган асар ҳисобланади. Т.Файзиев ва И.Низомутдиновлар томонидан таржима ўзбек тилига таржима қилинган. Аммо асар бугунги кунда ҳам ўз қийматини йўқотмаган ноёб асарлардан бири ҳисобланади. Унинг асарларининг нусхаси ҳамда ўзи яшаган даврда хаттотлар томонидан кўчирилган нусхалар бугунги кунда Туркия, Эрон, Ҳиндистон ва Лоҳур қутубхона фондларида сақланиб келмоқда. Шунингдек, Нуриддин Авфийнинг вафот этган санаси манбаларда аниқ кўрсатилмаган.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, Мовароуннахрда яшаб ижод қилган кўпгина алломаларнинг илмий мероси олимлар томонидан тўлиқ тадқиқ қилинмаган. Бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлодга аждодларимизнинг илмий мероси ва ибратли ҳаётларига оид маълумотларни етказишимиз долзарб мавзулардан саналади.

Foydalilanilgan adabiyotlar/Используемая литература/References:

1. M. Ullmann, Die Natur-und Geheimwissenschaften im Islam, Leiden 1972.
2. N. Bland. “On the Earliest Persian Biography of Poets, by Muhammed Aúfi and on Some Other Works of the Class Called Tazkirat ul Shuará”. – England: JRAS, 1848.
3. М. Низомиддин. “Авфий”. I-жилд.
4. Назир Аҳмад. “Нусхай хаттийи муҳимми аз тазкираи Лубобул албоби Авфий”. – Калькутта: Индо-Иранника, XV, 1962.
5. Саъадиддин Авфий. “Лубобул албоб”. – Техрон: Сайд Нафиси, 1915.
6. Ҳ. Ҳасанов. “Сайёҳ олимлар”. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981.